

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
Қ А Р О Р И**

**Фарғона шахри**

**2023 йил 20 сентябрь**

Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида Б.Мамадалиевнинг раислигида, ҳайъат аъзолари судьялар М.Умматова ва Д.Акрамовалардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Холиқовнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакиллари [REDACTED] (ишончнома асосида) ҳамда жавобгар вакили адвокат [REDACTED] (ишончнома асосида)нинг иштирокида, даъвогар АААнинг жавобгар ВВВ масъулияти чекланган жамиятидан 119 587 800 сўм қўшилган қиймат солиғини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 июнь кунги ҳал қилув қароридан норози бўлиб, жавобгар ВВВ масъулияти чекланган жамияти томонидан киритилган апелляция шикоятини асосида ишни Фарғона вилоят суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

ААА (кейинги матнларда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ВВВ масъулияти чекланган жамияти (кейинги матнларда жавобгар деб юритилади)дан 119 587 800 сўм қўшилган қиймат солиғи (кейинги матнларда ҚҚС деб юритилади)ни ундиришни сўраган.

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 июнь кунги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар орқали давлат бюджетига 119 587 800 сўм қўшилган қиймат солиғи, республика бюджетига 2 391 756 сўм давлат божи ҳамда даъвогар фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилиши белгиланган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб жавобгар Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятини билан мурожаат қилган.

Жавобгар апелляция шикоятида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти билан 101 000 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 13 173 900 сўм бўлган битимлар тузилганлиги, ушбу контрагенти томонидан ҚҚС суммаси жиноят иши доирасида тўла қопланганлиги, лекин биринчи инстанция суди ушбу ҳолатни асоссиз равишда инобатга олмаганлиги учун ҳал қилув қарорининг шу қисмини ўзгартиришни сўраган.



Суд мажлисида жавобгар вакили апелляция шикоятини кувватлаб, МЧЖнинг раҳбарига нисбатан бўлган жиноят иши бўйича ҚҚС ва бошқа солиқлардан бўлган қарзи қопланганлиги, шунингдек солиқ органининг камерал текшириш ўтказиш натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қарори маъмурий суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлиги, даъвогар бошқа қарор қабул қилмасдан судга даъво аризасини киритганлигини баён қилиб, судлов ҳайъатидан апелляция шикоятини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогар вакиллари апелляция шикоятига нисбатан ўз эътирозини билдириб, жавобгарнинг контрагентлари хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланганлиги, МЧЖ раҳбари ҳисоботларда жуда катта миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни яширганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилганлиги, жавобгардан ундириш сўралган ҚҚС солиғи жиноят иши муҳокамасида бўлмаганлиги ва ундирилмаганлиги, жавобгардан ҚҚС солиғини ундириш даъво талаби билан мурожаат қилиш учун алоҳида қарор қабул қилинмаслигини баён қилиб, судлов ҳайъатидан апелляция шикоятини қаноатлантирмасликни ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Апелляция судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг иш бўйича тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳамда қўшимча тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, ишдаги тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасликни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекс (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) нинг 276-моддасига асосан суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт. Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогарнинг 2022 йил 7 апрелдаги 20/1-00494-кТ-сонли буйруғига асосан жавобгарнинг 2020 йил январь ойидан бошлаб 2022 йилнинг февраль ойига қадар бўлган фаолиятида ҚҚС тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилган.

Жавобгар фаолиятида ўтказилган камерал солиқ текширувида ҳужжатлар таҳлил қилинганда, жамият томонидан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган ҳамда ҚҚС гувоҳномаси бекор қилинган МЧЖ билан жами 363 020 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 47 350 400 сўм, “МЧЖ билан жами 260 000 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 33 913 000 сўм, “МЧЖ билан жами 101 000 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 13 173 900 сўм, “МЧЖ билан 100 000 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 13 043 400 сўм, “МЧЖ билан жами 68 120 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 8 885 200 сўм, “МЧЖ



билан 24 700 000 сўмлик, шундан ҚҚС суммаси 3 221 700 сўм, жами ҚҚС суммаси 119 587 800 сўмни ташкил этган қалбаки ва кўзбўямачилик битимлари тузилганлиги аниқланган.

Хусусан, жавобгарнинг контрагентларида ҳеч қандай асосий воситалар, ишлаб чиқариш активлари, транспорт воситалари ёки нотариал тартибда расмийлаштирилган шартномалар асосида ижарага олинган транспорт воситалари бўлмаганлиги, тақдим этилган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоботида бир нафар (рахбар) ходим ишлаб келгани кўрсатилгани, контрагентлар томонидан ҚҚС бюджетга тўлаб берилмаганлиги ва улар банкрот деб топилганлиги, қонунга зид равишда расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралар жавобгарнинг ҳисоботларида акс эттирилиб, 119 587 800 сўм ҚҚС асосиз ҳисобга олинганлиги аниқланган.

Текширув натижаларига кўра, 2022 йил 6 май куни хулоса ва далолатнома расмийлаштирилиб, даъвогар томонидан жавобгарга солиқ ҳисоботларига тузатиш киритиш ҳақида 2022 йил 6 май куни 20/1-27692-сонли талабнома юборилган.

Бироқ, жавобгар томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатда солиқ ҳисоботларига тузатиш киритилмаган ёки ушбу фарк суммасини инкор қилувчи ҳужжатлар солиқ органига тақдим этилмаган. Шунга кўра, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат этган.

Солиқ кодекси 14-моддасининг биринчи-учинчи қисмларига мувофиқ, солиқ солиш мақсадида барча битимлар ва солиқ тўловчи киришадиган бошқа иқтисодий муносабатлар, уларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши усулидан ёки шартноманинг номланишидан қатъий назар, ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олиниши керак.

Агар битимнинг ёки иқтисодий муносабатларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши уларнинг ҳақиқатдаги иқтисодий мазмунига мувофиқ бўлмаса, солиқ органлари солиқ солиш мақсадида битимнинг юридик тавсифланишини, солиқ тўловчининг мақомини ва (ёки) унинг иқтисодий фаолияти хусусиятини ўзгартиришга ҳақли.

Қалбаки (кўзбўямачилик учун тузилган) битимлар солиқ солиш мақсадида ҳисобга олинмайди. Агар бундай битимлар бошқа битимларни никобласа, солиқларни ҳисоблаш учун ҳақиқий битимларнинг иқтисодий мазмуни ва натижалари ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 63-бандига асосан ҳақиқатда амалга оширилмаган хўжалик операциялари бўйича расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар товарлар жўнатишганлигини ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинмайди.



Солиқ кодекси 14-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқни суистеъмол қилишнинг, битим қалбакилиги (кўзбўямачилик учун тузилганлигини) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини кўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 15-моддасига кўра, солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга кўйилганлигини, контрагентнинг ишбилармонлик обрўсини, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлигини, молиявий ҳолатини, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини текшириб, лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шарт.

Солиқ тўловчи томонидан унинг олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган шахслар билан тузилган битимлар бўйича қилинган харажатлар (кўрилган зарарлар), агар ушбу солиқ тўловчи битим тузаётганда лозим даражада эҳтиёткорлик қилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадида тан олинмайди.

Солиқ кодекси 266-моддасининг ўн бешинчи қисмига кўра, агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақли.

Солиқ кодекси 120-моддаси ўн иккинчи қисмига асосан солиқни тўлаш мажбурияти томонидан солиқ органи томонидан битимни тавсифлаш, солиқ тўловчининг мақоми ёки фаолияти хусусиятини ўзгартиришда асосланган бўлса солиқ суд томонидан ундирилади.

Солиқ органи томонидан жавобгарнинг контрагентлари фаолияти таҳлил қилинганда уларда транспорт воситалари мавжуд бўлмаганлиги ёки транспорт воситаси ижарага олинмаганлиги, юкларни ташилганлигини тасдиқловчи йўл варақалари ва товар-транспорт юк хатлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бундан кўринадики, даъвогарнинг жавобгардан ҚҚС суммасини ундириш ҳақидаги даъво талаби асослидир.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар орқали давлат бюджетига 119 587 800 сўм ҚҚС ундириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан солиқ қонунчилигини кўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2023 йил 20 февралдаги 4-сонли қарори 16-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошисига кўра, Солиқ кодексининг 14-моддасига асосан солиқ органлари солиқ солиш мақсадида барча битимлар ва солиқ тўловчи киришадиган бошқа иқтисодий муносабатлар, уларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши усулидан ёки шартноманинг номланишидан қатъий назар, ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олиш ваколатига эга.





## **Қ А Р О Р   Қ И Л Д И:**

Жавобгар ВВВ масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 июнь кунги хал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси суди учун жавобгар ВВВ масъулияти чекланган жамияти томонидан тўланган 330 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати унинг зиммасида қолдирилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради

Мазкур қарордан норози тараф қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига кассация шикояти (протести) бериши мумкин.

**Раислик этувчи**

**Б.Мамадалиев**

**Хайъат аъзолари**

**М.Умматова**

**Д.Акрамова**

